

Қозоқлар вилоятининг Учқудук, Томди, Конимех ва Нурота туманларида кўпчиликни ташкил этади. Вилоят аҳолисининг 3,6 фоизини (37066 киши) қозоқлар ташкил этади. Яъни вилоятда аҳоли сони жиҳатдан иккинчи ўринда туради. Энг кўп қозоқ миллат вилоятнинг Нурота туманига тўғри келади 8285 киши, кейинги ўринда Томди тумани (6769 киши яъни бу икки туманда қозоқларнинг 42 фоизи тўғри келади).

Нурота воҳасига туташ ҳудудларда яшовчи қозоқлар тўғрисида В.Пельцнинг асарида қимматли маълумотлар келтирилган [5:38]. Узунқудук қишлоғида яшайдиган қозоқлар Нурота туманининг ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳолиси билан яқин алоқада бўлиб келади. Б.Х.Кармишева Қизилқум ҳудудида қозоқларнинг қиёт, ушакти, қорақалпоқ, қанғли, қайчили-жалоир, мўйтин-қўнғирот, табин каби уруғларнинг яшаганлигини келтириб ўтади [2:11].

Навоий вилоятнинг Кармана, Навбаҳор, Нурота, Қизилтепа, Хатирчи, Конимех, Томди ва Учқудук туманларида яшовчи аҳоли асрлар давомида туркий ва туркий бўлмаган бошқа миллат вакиллари билан бирга яшаб келган. Бундай жараён тилларнинг бир-бирига таъсир этишига сабаб бўлади. Вилоятнинг Конимех, Томди ва Учқудук туманларида қозоқ, қорақалпоқ ва ўзбеклар аралаш ҳолда яшайди. Қозоқ миллатига мансуб аҳолининг манғит, буркут, хитой, қўнғирот каби уруғ-қабилалари мавжуд бўлиб, улар ҳозирги кунда ҳам сақланиб келмоқда. Чунки кўпгина туркий халқларнинг ташкил топишида ҳам бу уруғ-қабилаларнинг «иштирок этганлиги маълум. Бу ҳақда тарихий манбаларда ҳам қайд этилган. Демак, манғит, қўнғирот, қиёт, қипчоқ, хитой, қанғли, дурмон, кенагас, сарой, минг, қирқ, юз, лоқай, қўшқи, найман, чимбой, шунқарли, қовчин, чиройли, ийжон, салур, арғин, буркут, барлос, жалоир, қарлук, нукус, уйшин, ўтарчи,

қатағон, қулаң, арлат, қушоёқли, буркут каби этнослар ўзбек ва Ўрта Осиёда яшовчи бошқа туркий элатларининг халқ сифатида шаклланишида иштирок этган муҳим компонент ҳисобланади [1:79-76].

Шунингдек, арабларнинг Марказий Осиёга кўчиши кўп асрлик тарихга эга. Уларнинг аجدодлари VII-XIV асрлар давомида келиб ўрнашиб қолган. IX аср географи Ёқубийнинг фикрича. Моваровнаҳд таркибидаги Хвросонда асосан араблар истикомат қилган. Кейинчалик шаҳар аҳолиси маҳаллий аҳоли билан аралашиб, аста-секин ўзларининг миллий хусусиятларини ва энг асосийси. Ўз тилларини йўқота бошлаганлар. Улар кўчманчилик билан турмуш кечирган. Араблар вилоятнинг Навбаҳор туманида Арабхона, Хатирчи туманидаги Араб, Қизилтепа туманидаги Хонзурун, Арабон, Қатағон, Андоқ қишлоқларида яшайди. Улар ўзбек, туркман ва тожик миллатининг таркибида ҳам учрайди. Арабларнинг шаклланишида Буюк Ипак йўлини ўтганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

А.Р.Тагаевнинг тадқиқот ишида, ўтган асрнинг бошларида Нурота шаҳрида араблар истикомат қилганлиги келтирилиб ўтилган. Шунингдек, араблар тожиклар билан аралаш ҳолда яшаб келганликлари ва тожикларнинг таъсири натижасида ўз она тилларини унутиб, тожик тилида сўзлаша бошлаганликлари келтирилган [6].

Умуман олганда, Навоий вилоят аҳолисининг миллий-этник таркиби аҳолининг жойлашуви, шаклланиши, уларнинг ўзига хос жиҳатлари қадимги даврлардан буюн мураккаб кўриниш эга. Шунингдек вилоятда этнослар бир текисда жойлашмаган. Бинобарин вилоят ҳудудини турли даврларда ўрганган тадқиқотчиларнинг барчаси вилоят аҳолиси этник таркиби мураккаб кўринишга эга эканлигини тадқиқотларида келтирган.

Адабиётлар

1. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т.: 1994. 312-б.
2. Кармишева Б.Х., Пещерева Б.М. Материалы этнографического обследования. -С. 7, 11.
3. Муродова М.Ш. Ўзбек никоҳ тўйи фольклорининг жанрлар таркиби ва бадийати (Ўрта Зарафшон воҳаси материаллари асосида). Фил. фан. 6-ча фал. док. ... дис. -Т.: 2018. 152-б.
4. Материалы по районированию Средней Азии. -С. 222.
5. Пельц В. Очерки южных Кызыл-Кумов. -Самарканд: 1912.-С. 38-64.
6. Тагаев А.Р. Нурота воҳасида этномаданий жараёнлар (XX асрнинг I ярми). Тарих фан. ном. ... дисс. -Т.: 2011. 177-б.
7. Толипов Ф.С. Нурота воҳаси аҳолиси оилавий турмуш тарзида жамоа анъаналари (XIX аср охири-XX аср биринчи ярми). Тарих фан. ном. ... дис. -Т.: 2006. 172-б.
8. Толстова Л.С. Каракалпаки Бухарской области Узбекской ССР (по материалам полевых исследований 1960 г.) // Советская этнография. 1961. № 5. -С. 27-43.
9. Хорошхин А.П. «Народы Средней Азии» («Туркестанские ведомости», 1871 г., № 9 и 10.
10. www.navstat.uz

РЕЗЮМЕ. Навоий вилояти аҳолиси миллий таркибининг ўзига хос хусусиятлар билан бошқа вилоятлардан фаркланади. Ушбу мақолада Навоий вилояти аҳолисининг миллий-этник таркиби ҳудудий хусусиятлари статистик ва этнографик маълумотлар асосида ёритилган. Шунингдек, ушбу маълумотлар асосида, муаллиф томонидан Навоий вилояти аҳолисининг миллий-этник таркибига ишлаб чиқилган.

РЕЗЮМЕ. Население Навоийской области отличается от других регионов своими национальными особенностями. В данной статье на основе статистических и этнографических данных освещаются территориальные характеристики национально-этнического состава населения Навоийской области. Также на основе этих сведений автор разработал национально-этническую карту населения Навоийской области.

SUMMARY. The population of the Navoi region differs from other regions in its national characteristics. This article, based on statistical and ethnographic data, highlights the territorial characteristics of the national-ethnic composition of the population of the Navoi region. Also, on the basis of this information, the author developed a national-ethnic map of the population of the Navoi region.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ ШАҲАР АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАРКИБИ ВА ДЕМОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

О.И.Шерхолов – мустақил тадқиқотчи
Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: шаҳар, шаҳарча, аҳоли, туғилиш, ўлим, миграция, никоҳ, ажралиш.

Ключевые слова: город, городок, население, рождаемость, смертность, миграция, брак, развод.

Key words: city, town, population, birth rate, death rate, migration, marriage, divorce.

Кириш. Мустақилликка эришгандан сўнг ҳукумат томонидан республика ҳудудларининг инфратузилмасини яхшилашга киришилди. Иқтисодий жиҳатдан кам ўзлаштирилган ҳудудлар ҳам ривожлантирила бошланди. Бу эса шаҳар ва шаҳарчалар сонининг кўпайишига сабаб бўлди. Маълумки, Ўзбекистонда шаҳар бўлиши учун аҳоли сони 7 минг киши ва шаҳарча бўлиши учун эса 2 минг киши бўлиши белгиланган. Лекин баъзи ҳолларда истисно тариқасида аҳоли сони юқоридаги мезонлардан ортқ ва кам бўлиши ҳам мумкин. Шаҳарчалар асосан саноат

корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида таркиб топади. Навоий вилояти ҳўжалиги асосан тоғ-кон, кимё, қурилиш материаллари саноати ҳамда қишлоқ ҳўжалигида гўшт-жўн чорвачилигига ихтисослашган. Шунинг учун аксарият шаҳар аҳоли пунктлари юқоридаги омилларга боғлиқ ҳолда ташкил этилган.

Шаҳарлар йирик аҳоли манзилгоҳлари бўлиб, унда яшайдиган кишилар қишлоқ ҳўжалиги билан банд бўлмасдан, бошқа соҳаларда шуғулланишади. Шаҳар аҳоли манзилгоҳлари ўлчами жиҳатидан йирик ва унда

яшовчи аҳоли, кишлок аҳоли манзилгоҳларидагига нисбатан кўп сонлилиги ҳамда зичлиги билан тавсифлидир [5:146]. Мақолада асосий эътибор Навоий вилоятининг шаҳар аҳоли пунктларининг ҳудудлар бўйича таркиби ва демографик кўрсаткичларига қаратилади.

Асосий қисм. Шаҳарларни ўрганиш катта илмий, маданий ва маърифий аҳамиятга эга. Чунки мамлакат ва юртларнинг ҳозирги куни ва ўтмиши, тарихи, таснифи ва тақдирини, уларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини, геосиёсий мавқеини кўп ҳолларда шаҳарлар белгилаб беради [1:1].

Бугунги кунда вилоят бўйсунувидаги шаҳар ва шаҳарчалар Навоий, Зарафшон, Ғозгон шаҳарлари билан бирга Тинчлик, Мурунгов шаҳарчалари киради. Вилоятда 7 та шаҳар мавжуд. Булар: Навоий, Зарафшон, Ғозгон, Қизилтепа, Нурота, Янгиработ ва Учқудук. Вилоятнинг Конимех, Навбахор, Кармана, Томди туманларида бирорта ҳам шаҳар мавжуд эмас. Ушбу туманларда фақат шаҳарчалар ташкил этилган. Вилоятнинг шаҳарлари асосан янги шаҳарлар бўлиб, Навоий шаҳри 1958 йили, Зарафшон шаҳри 1972 йили, қолган шаҳарлар улардан кейин ташкил топган [4:94]. Шаҳар аҳоли пунктларининг шаклланишида, асосан фойдали қазилмаларининг топилиши ва ишга туширилиши, Зарафшон дарёсининг яқинлиги, кишлок хўжалиги марказида жойлашганлиги, транспорт билан яхши таъминланганлиги таъсир кўрсатган. Аҳоли пунктлари фақатгина аҳоли яшайдиган жойлар бўлиб қолмасдан, балки аҳоли меҳнат фаолиятини олиб борадиган ишлаб чиқариш марказлари ҳамда иқтисодий алоқалар қиладиган жойлар ҳисобланади [3:136].

Зарафшон, Учқудук, Ғозгон, Лангар ресурс шаҳар аҳоли пунктлари бўлса, Навоий, Нурота, Кармана, Қизилтепа шаҳарлари сувга яқин бўлган дарё водийларида, савдо ва қарвон йўллари яқинида вужудга келган ва ривожланган. Навоий – Учқудук – Мискин – Нукус темир ва автомобиль йўлларининг қурилиши Навоий, Кармана, Қизилтепа шаҳар аҳоли пунктларининг ривожланиши учун қулай имкониятлар яратди (Солиев ва бошқалар, 2018).

Вилоятда 2009 йилда қабул қилинган “Кишлоқ” дастури туфайли 30 та аҳоли пунктига шаҳарча мақоми берилган. Шу йили ташкил этилган шаҳарчалар сонига кўра вилоят республика ҳудудлари бўйича фақат Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилоятидан олдинда туради ҳолос. Шаҳарчалар сони энг кўпи Қизилтепа туманида 8 та, Хатирчи ва Навбахор туманларида эса уларнинг сони 5 тадан, Кармана ва Нурота туманларида 4 тадан, Конимех туманида 3 та, Томди туманида эса атиги 1 та ташкил этилган бўлса, Учқудук туманида бирорта ҳам ташкил этилмаган.

Бугунги кунда вилоятда шаҳарчалар сони 46 та бўлиб, юқорида келтирилганидек 30 таси 2009 йилда ташкил этилган, улар ҳудудлар кесимида қуйидагича тақсимланган. Навоий шаҳрида: Тинчлик, Зарафшон шаҳрида: Мурунгов, Конимех туманида: Конимех, Балақарак, Мамикчи, Шўртепа ва Зафаробад, Қизилтепа туманида: Хусбиддин, Қалайн-Азизон, Баланд Ғардиён, Ғойибон, Оқ соч, Ванғози, Оқмачит, Зармитан, Ғамхўр, Узилишкент, Уртақўрғон, Хўжақўрғон. Навахор туманида: Қалқонота, Сарой,

Куйи Бешработ, Кескантерак, Ижанти. Кармана туманида: Кармана, Маликработ, Пахтабод, Подкорон, Камолот. Нурота туманида: Қизилча, Темурқовуқ, Чуя, Янгибино. Томди туманида: Томдибулоқ, Учқудук туманида: Шалхар ва Хатирчи туманида: Лангар, Жалоир, Қўшчинор, Полвонтепа, Қўрғон, Тасмачи, Боғишамол, Ғалабек, Пахтакор, Туркман, Янги қурилиш шаҳарчаларидир. Шаҳарчалар сонининг энг кўпи Қизилтепа ва Хатирчи туманларида бўлиб, мос равишда 12, 11 тани ташкил этган бўлса, Навоий, Зарафшон шаҳарлари ҳамда Томди ва Учқудук туманларида унинг сони атиги 1 тадандир.

Шаҳарларни географик жиҳатдан ўрганишда ҳудуднинг демографик кўрсаткичлари албатта ўрганилади. Демографик жараёнлардан туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш ҳодисалари урбанизация даражаси билан бевосита боғлиқликда ўзгариб боради [5].

Урганилаётган ҳудуд шаҳарлари аҳолиси тез ўсмоқда. Бунинг сабаби фойдали қазилмаларнинг топилиши, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, меҳнат ресурсларига талабнинг кучлилиги, туғилиш даражасининг юқорилиги таъсир этган. 2000-2005 йиллар давомида вилоятнинг шаҳар аҳолиси орасида аҳоли сонининг энг катта камайиши Навоий шаҳрида, энг юқори кўпайиши эса Кармана туманида кузатишган. Бунга, асосан Навоий шаҳрида жойлашган Навоийазот кимё комбинатидан чиқаётган заҳарли газлар сабаб аҳоли шаҳарга яқин, инсон яшаши учун қулай бўлган Кармана туманига кўчиб ўтганлиги билан белгиланади. Шаҳар аҳолисининг ўсиши 2010 йилда барча ҳудудларда фақат Учқудук туманини назарда тутмаганда сезиларли ошган. Бунинг сабаби юқорида келтирилганидан 2009 йилда кишлок аҳоли пунктларига шаҳарча мақоми берилганлиги билан боғлиқдир. Учқудук туманида эса ўша йили шаҳарча ташкил этилмаган. Навоий вилояти шаҳарлари орасидаги кўпайиш Навоий шаҳри бўлиб, 2022 йил маълумотида кўра, Тинчлик шаҳарчаси билан бирга шаҳарда 150,8 минг киши, Зарафшон шаҳрида эса Мурунгов шаҳарчаси билан 85,6 минг киши истиқомат қилади. Бу иккита шаҳарда вилоят шаҳар аҳолисининг 46,8 % яшайди.

Шаҳар аҳоли пунктларининг шаҳар деб номланишида унда яшовчилар миқдори муҳим кўрсаткичлардан биридир [2:148]. Вилоятнинг шаҳар аҳоли пунктлари аҳоли сонига қараб гуруҳларга ажратилганда аҳоли сони 3 минг кишига етмайдиган аҳоли пунктлари сони 23 та бўлиб, шундан аҳоли сони энг кам Конимех туманида жойлашган Балақарак шаҳарчасидир. Унда 574 киши истиқомат қилади (2022). Шундай 326 нафари эркаклар, қолган 248 нафари эса аёллардир. Умуман олганда, вилоятда аҳоли сони 2000 кишига етмайдиган 5 та шаҳарча мавжуд. 3-5 минггача аҳолига эга бўлган шаҳар аҳоли пунктлари сони 17 та, аҳоли сони 5-10 минггача 5 та, 10-20 минггача эса 3 та, 20-50 минггача ҳам 3 та, 50 минг ва ундан ортиқ аҳолига эга шаҳар аҳоли пункти 2 тани ташкил этган. 50 минг кишидан ортиқ аҳолига эга шаҳарлар бўлган Зарафшон шаҳрида 74,6 минг киши (Мурунгов шаҳарчасисиз) ҳамда Навоий шаҳри 147,2 минг киши (Тинчлик шаҳарчасисиз) яшайди.

1-жадвал. Вилоят шаҳар аҳолисининг демографик кўрсаткичлари (%)

Йиллар	Туғилиш	Ўлим	Табиий ўсиш	Келиш	Кетиш	Миграцион ўсиш	Никоҳ	Ажрим
2005	18,1	5,9	12,2	26,5	39,2	-12,7	8,1	1,7
2010	19,9	5,3	14,5	19,8	26,9	-7,1	10,2	1,0
2015	20,8	4,5	16,3	16,1	17,9	-1,7	9,3	1,6
2020	22,4	5,1	17,4	11,0	12,3	-1,3	7,7	1,0

Жадвал Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўрганилган даврда вилоятнинг шаҳар аҳоли пунктларида туғилиш йиллар давомида ортиб, ўлим сони эса камайиб борган. Фақат 2020 йилда ўлимнинг яна ортганлиги пандемия билан боғлиқ. Шундай бўлсада табиий кўпайиш ортган. Вилоят шаҳарларига келувчилар ва шаҳардан кетувчилар сони ҳам мос равишда йиллар давомида камайган. Яъни миграцион ўсиш манфийдан мусбатга яқинлашмоқда. Бу ҳолат шундан далолат берадики, вилоятнинг шаҳар ва шаҳар атрофи ҳудудларида кўплаб иш ўринлари яратилиб, аҳоли яшаш шароити яхшиланмоқда. Маълумки, кишлокларга қараганда шаҳарларда туғилиш ва никоҳлар қайд этилиши камроқ, ўлим ва ажралишлар эса кўпроқ кузатилади. Бу жараёнлар бир-бирига боғлиқ бўлиб никоҳ тузилиши кам бўлганлиги учун туғилиш ҳам кам бўлади. Лекин шаҳарларда ўлим даражаси доимо юқоридир. Бунга сабаб автохалокатлар, ичкилик, чекиш, оғир меҳнат, заҳарли жойларда ишлаш ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади. Шаҳар аҳоли

пунктларида ажралишларнинг сони ортишига, асосан оила қураётган ёшларнинг бир-бирини ёшлигидан яхши билмаслиги, йўл-йўлаклар танишиб қолиши, ижтимоий тенгсизлиги, ташқи омилларнинг таъсири сабаб бўлади.

2-жадвал. Шаҳар аҳоли пунктлари аҳолисини туғилиш ва ўлим коэффициенти бўйича гуруҳлаш

Туғилиш коэффициенти, промилледа	2021 йил		Ўлим коэффициенти, промилледа	2021 йил	
	сони	аҳолиси		сони	аҳолиси
10 гача	14 26,4	276 2,3	2,9 гача	21 39,6	53 3,7
10,1-15,0	8 15,1	351 2,9	3,0-4,9	13 24,5	359 25,1
15,1-20,0	4 7,5	190 1,6	5,0-6,9	9 17,0	749 52,3
20,1-25,0	9 17,0	1740 14,3	7,0-8,9	4 7,5	110 7,7
25,1-30,0	10 18,9	8097 66,7	9,0-10,9	1 1,9	17 1,2
30,1 дан юқори	8 15,1	1480 12,2	11,0 ва ундан юқори	5 9,4	145 10,1
Жами	53 100	12134 100	Жами	53 100	1433 100

Изоҳ: Каср суръатида - мутлоқ миқдор, маҳражида - нисбий кўрсаткич.

Жадвал Навоий вилояти статистика бoшқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Туғилиш коэффициенти 10 промилледан кам бўлган шаҳар аҳоли пунктлари: Тинчлик, Мурунгов, Балақарак, Мамикчи, Хусбиддин, Қалайн-Азизон, Оксоч, Окмачит, Қуйи Бешрабат, Подкорон, Қўшчинор, Қўрғон, Боғишамол, Пахтакор. Юқоридаги кўрсаткич 10,1-15,0 промилле бўлган шаҳар аҳоли пунктлари: Балант Ғардиён, Ванғози, Зармитан, Ижанд, Темирқовуқ, Томдибулоқ, Полвонтепа, Янги Қурилиш, 15,1-20,0 промилле бўлган шаҳар аҳоли пунктлари: Шўрттепа, Ғойибон, Пахтабод, Чуя, 20,1-25,0 промилле бўлган шаҳар аҳоли пунктлари: Ғозгон, Зафаробод, Қизилтепа, Узилишкент, Хўжақўрғон, Камолот, Учқудук, Лангар, Тасмачи, 25,0-30,0 промилле бўлган шаҳар аҳоли пунктлари: Навоий, Зарафшон, Ғамхўр, Қалқонота, Сарой, Кармана, Маликратот, Нурота, Қизилча, Янгибино ва 30,1 дан юқори промилле бўлган шаҳар аҳоли пунктлари: Конимех, Ўртақўрғон, Кескантерак, Шалхар, Янгирабат, Жалоир, Галабек, Туркман каби шаҳар ва шаҳарчалардир. 2021 йилда Қўшчинор ва Қўрғон шаҳарчаларида ўлим қайд этилмаган бўлса, Хатирчи туманининг Янги Қурилиш шаҳарчасида эса 31,5% яъни юқори ўлим қайд этилган.

Навоий вилояти шаҳар аҳолисининг жинсий таркибида 1992-2021 йиллар оралиғида эркаклар сони аёллар сонидан кўп бўлган. Бунинг сабаби туғилганлар орасида ўғил болаларнинг кўп туғилиши билан бирга вилоятнинг шаҳар аҳоли пунктларида асосан эркаклар

ишлайдиган иш ўринларининг кўпчилигидир. Яъни вилоят шаҳарларига республиканинг бошқа ҳудудларидан ишлаш учун эркакларнинг кўпроқ кўчиб келганлиги билан боғлиқ. 1995 йилда вилоятнинг шаҳар аҳоли пунктларида эркаклар 50,3 % ва аёллар 49,7 % ни ташкил қилган [6:79] бўлса, 2021 йилга келиб эркаклар 51,2 % аёллар эса 48,8 % ни ташкил этган.

Хулоса. Вилоятга бўйсунувчи шаҳар ва шаҳарчаларни ҳисобламаганда туманлар ичида шаҳар аҳоли пунктлари сони энг кам Томди туманида фақат Томдибулоқ шаҳарчаси ва Учқудук туманида эса Учқудук шаҳри ва Шалхар шаҳарчасидир. Шаҳар аҳоли пунктларининг энг кўпи юқорида келтирилганидек Қизилтепа ва Хатирчи туманларида ташкил этган. Қолган барча туманларда уларнинг сони бир хил 5 тадандир. Умуман олганда, шаҳар аҳоли пунктлари ва аҳолиси сони ҳам вилоятнинг жанубий қисмида кўпдир. Бунга сабаб аҳоли яшаши учун барча қулай шароит ва имкониятлар вилоятнинг шу қисмида мужассамлашган. Ҳудуднинг шимолий қисмидаги Томди ва Учқудук туманларининг шаҳар аҳоли пунктлари ўтган асрнинг иккинчи ярмида фойдали қазилмаларнинг топилиши ва ишга туширилиши билан боғлиқ ҳолда ташкил этилган. Бунга фақат иқтисодий омилларнинг таъсир кўрсатган. Лекин бу ҳудудда аҳоли яшаши учун табиий шароит ноқулайдир. Тадқиқ этилаётган ҳудуд аҳолисининг 48,9 % и шаҳар аҳоли пунктларида яшамокда.

Адабиётлар

1. Солиев А.С. Шаҳарлар географияси. (Маъруза матни). -Т.: 2000.
2. Bo'riyeva M.R., Tojiyeva Z.N., Zokirov S.S. Aholi geografiyasi va demografiya asoslari. – Т.: “Tafakkur”, 2011. 156-b.
3. Kadirov M.A. Aholi geografiyasi demografiya asoslari bilan. -Т.: 2019. 320- b.
4. Kadirov M.A. Shaharlar geografiyasi. -Т.: 2019, 214- b.
5. Tojiyeva Z.N. Aholi geografiyasi. -Т.: “Noshir”, 2019. 183-b.
6. Sherxolov O.I. Navoiy viloyati aholisining yosh-jinsiy tarkibi. // SamDU Ilmiy axborotnomasi 1-son. –Samarqand: 2022, 77-82-b.
7. www. Lex.uz ma'lumotlari.
8. www.navstat.uz Navoiy viloyati statistika boshqarmasi ma'lumotlari.
9. www.stat.uz-O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада Навоий вилояти шаҳар аҳоли пунктларининг ҳудудий таркиби ёритилган. Демографик кўрсаткичлари ҳар беш йиллик оралиқда промилле ҳисобида таҳлил қилинган. Шаҳар аҳоли пунктлари аҳоли сонига қараб классификация қилинган ҳамда туғилиш ва ўлим коэффицентлари бўйича гуруҳларга ажратилган. 2009 йилда ташкил этилган шаҳарчалар туманлар қисмида ўрганилган. Тузилган никоҳларнинг қишлоқларга нисбатан камлиги, аммо ажралишлар сонининг кўпчилигига таъсир этувчи омиллар келтирилган. Тадқиқот даврида аҳоли жинсий таркибидаги эркаклар сонининг кўпчилигига сабаб бўлувчи омиллар кўрсатилган. Шаҳар аҳоли пунктлари ва аҳолиси сонининг кўпчилиги вилоятнинг жанубий қисмига тўғри келиши аниқланган.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается территориальный состав городских поселений Навоийской области. Демографические показатели анализировались каждые пять лет. Городские поселения классифицируются по населению и группировались по уровням рождаемости и смертности. Поселки, созданные в 2009 году, изучались в разрезе районов. Приведены факторы, влияющие на низкое количество браков по расчёту по сравнению с сельской местностью, но на высокое количество разводов. Показаны факторы, обуславливающие большое количество мужчин в половом составе населения в исследуемый период. Определено, что большинство городских поселений и количество жителей соответствует южной части области.

SUMMARY. This article considers the territorial composition of urban settlements in the Navoi region. Demographic indicators were analyzed every five years. Urban settlements were classified by population and grouped by birth and death rates. Settlements established in 2009 were studied by regions. The factors influencing the low number of marriages of convenience in comparison with rural areas, but the high number of divorces, are given. The factors causing a large number of men in the sex composition of the population in the study period are shown. It is determined that the majority of urban settlements and the number of inhabitants correspond to the southern part of the region.